

БОШ МУҲАРРИР

Шавкат ШАРИПОВ -
педагогика ф. д., профессор

БОШ МУҲАРРИР ЎРИНБОСАРЛАРИ

Усмонжон ҚОСИМОВ - фил. ф. н., доц.
Файрат ҚОДИРОВ - биология ф. н.

МАСЪУЛ КОТИБ

Бекзод МИРЗАЕВ

ТАҲРИРИЯТ:**ТАРЖИМОНЛАР:**

Феруза ШУКУРОВА
(рус-тили)
Гулрух НОРБЕКОВА
(инглиз тили)

САҲИФАЛОВЧИЛАР:

Гулжаҳон КОДИРОВА
Феруз РАҲМОНҚУЛОВ

Журнал андозаси Ахборот
технологиялар марказида
Собир СИБГАТУЛЛИН
томонидан тайёрланди

Муассис — Жиззах давлат
педагогика институти

Журнал йилда 4 мартаба
(ҳар чорақда) чоп этилади.

Матнлардан фойдаланилган кўчирма
ва маълумотлар аниқлиги учун
муаллифлар масъулдирлар.

Журналдан кўчириб босилганда
манба қайд этилиши шарт

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:

Анатолий САГДУЛЛАЕВ - тарих ф. д., академик
Комилжон ТОЖИБОЕВ - биология ф. д., академик
Жак МИКЛОВИК - INSHEA университети профессори (Франция)
Василий КОЧУРКО - техника ф. д., Баранович ДУ профессори
Гулсем ЛЕКЕРОВА - психология ф. д., профессор
Фурқат ЖЎРАҚУЛОВ - сиёсий ф. д., доцент
Сарвар НАЗАРҚОСИМОВ - соц. ф. ф. д., (PhD)
Абдуғани ХОЛБЕКОВ - социология ф. д., профессор
Бахтиёр ТЎРАЕВ - фалсафа ф. д., профессор
Бахти ОЧИЛОВА - фалсафа ф. д., профессор
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ - педагогика ф. д., профессор
Умрзоқ ЖУМАНАЗАРОВ - филология ф. д., профессор
Абдуғафур МАМАТОВ - филология ф. д., профессор
Раҳматулла БЕКМИРЗАЕВ - физ.мат. ф. д., профессор
Гулчеҳра АГЗАМОВА - тарих ф. д., профессор
Ҳамид МЕЛИЕВ - педагогика ф. н., профессор
Худойберган МАВЛОНОВ - биология ф. д., профессор
Қўчқор ҲАКИМОВ - география ф. н., профессор в.б.
Рустам АБДУРАСУЛОВ - психология ф. д., профессор в.б.
Зухра ЯХШИЕВА - кимё ф. д., доцент
Абдунаби ХОТАМОВ - фалсафа ф. н., доцент
Мухторқул ПАРДАЕВ - тарих ф. н., доцент
Раббим ЮСУПОВ - техника ф. н., доцент
Олег КИМ - филология ф. н., доцент
Абдували Шамсиев - иқтисод ф. н., доцент
Камолитдин Зайиров - педагогика ф. н., доцент
Суннатullo СОИПОВ - филология ф. н.
Юлдуз КАРИМОВА - филология ф. н.
Омон ИСАРОВ - филология ф. н.
Шерали АБДУРАИМОВ - пед. ф. ф. д., (PhD)
Феруза ЖУМАЕВА - филология ф. ф. д., (PhD)

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссияси-нинг филология, фалсафа ва педагогика фанлари бўйича эксперт кенгаши (2018 йил 29 декабр-даги 260/6-сон баённомаси) тавсияси билан зарурий нашрлар рўйхати киритилган.

**Журнал Жиззах вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасидан 2018 йил 28 мартда
06-037 рақам билан рўйхатга олинган. Журналнинг халқаро ISSN рақами: 2181-6131**

МАНЗИЛ: 130100, Жиззах шаҳри,
Ш.Рашидов кўчаси, 4-уй, бош бино
ТЕЛЕФОН: (99872) 226 02 93,
(99890) 643 29 64
ФАКС: (99872) 226-46-56

**"ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ"
МАТБАА БЎЛИМИ**

Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 4-уй
2020 йил 25 март куни bosmaxonaга топширилди.
Қоғоз бичими А4 Буюртма: _____
Нашр адади: 100

МУНДАРИЖА

БОШ МУҲАРРИР МИНБАРИ

Шавкат ШАРИПОВ. Илм-фан ютуқлари - мамлакат тараққиётининг муҳим гарови.....4

ДАВР МУАММОСИ

Хусниддин АҲМЕДОВ. Таълим ва тарбия - маънавий ислохотлар омили.....5

ТАҚВИМ: АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 579 ЙИЛЛИГИ

Усмонжон ҚОСИМОВ, Сапура КАРИМОВА. - Адабий анъана ва новаторлик қирралари.....8

ИЖТИМОЙ ҲАЁТ ВА ФАЛСАФА

Бахти ОЧИЛОВА. Таълим тизими ислохотларининг тафаккур янгилинидаги аҳамияти..... 11

Бобомурот ТОШБОЕВ. Ўзбек халқи маънавий қиёфаси такомилда миллий тамойилининг ўрни..... 18

Қувват АЛИҚУЛОВ. Ёшлар иқтисодий фаоллигининг ахлоқий ва эстетик истиқболлари.....20

Дилбар ФАЙЗИХОДЖАЕВА. Имом Ғаззолий мунозара шартлари ва одоби ҳақида.....24

Мўмин ҲОШИМХОНОВ. Машраб муножотлари.....27

Зиёдулла ҒОЗИЕВ. Сўфи Оллоёрнинг меҳр-оқибат тўғрисидаги фикрлари.....30

ФИЛОЛОГИЯ: ТИЛ, АДАБИЁТ ВА ФОЛЬКЛОР

Феруза ЖУМАЕВА. Ясама сўзларнинг семантик структураси.....33

Дилноза АБДУВАЛИЕВА, Абдулҳамид АБДУВАЛИЕВ. Алишер Навоий тарихий асарлари лексикасидаги архаиклашган бирликлар.....36

Барно ҚЎШОҚОВА. Тил ижтимоий функциялари кенгайишининг сўз ясашидаги роли.....41

Турсунқул АЛМАМАТОВ, Шахноза АЛМАМАТОВА. Муболағалар воситасида ўқувчилар нутқий салоҳиятини ошириш.....43

Латофат ИБРАГИМОВА. Шарт майлининг қўлланишига доир баъзи мулоҳазалар.....46

Нодира СОАТОВА, Завқиддин БУРХОНОВ. "Қисаси Рабғузий" да композицион тузилиш ва ғоя.....49

Элмурод НАСРУЛЛАЕВ. "Алишер Навоий" драмасида улуғ шоир шахсияти талқини.....51

Тозагул МАТЁҚУБОВА. Фафур Фулом шеърисида лирик "Мен"и табиати.....55

Латифа ХУДОЙҚУЛОВА. Суннат тўйи маросими фольклорининг локал хусусиятлари.....58

Насим ОЧИЛОВ. Қодир бахшининг дostonчилиги фаолияти ва эпик анъаналарнинг жонланиши.....61

ИННОВАЦИЯ ВА ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ

Асқар МЎМИНОВ, Ҳамрақул ЭШОНҚУЛОВ. Мактабгача таълим муассасалари бошқарувини математик моделлаштириш.....65

Хуррам ТАНГИРОВ. Электрон таълим ресурслардан фойдаланишда хорижий мамлакатлар тажрибаси.....67

Ўктам ҲАЛИМОВ. Талабалар касбий компетентлигини математика воситалари ёрдамида шакллантириш.....71

Мурод БАРАКАЕВ, Зебо ҒИЁСОВА. Математик таълимда ўқитувчи фаолиятини самарали ташкил этиш имкониятлари.....74

Бахтиёр МИРКОМИЛОВ. Талабаларни бадиий қадриятлар асосида тарбиялаш йўли.....78

Умид ЖУМАНАЗАРОВ. Чет тилда нутқ фаолиятини эгаллашда интуиция ва онглиликнинг ўрни.....81

Гулноза ҚУРБОНОВА. Булажак ўқитувчиларда касбий маданиятни шакллантириш.....84

Иқром ЭГАМБЕРДИЕВ. Анорганик олам компонентларининг шаклланиши ва ривожланиши85

Хўжамберди ТОҒАЕВ, Тўйчи ИСМОИЛОВ, Ориф КАРИМОВ. Ижодкорлик масалалари ечимининг фалсафий-педагогик асослари.....88

Гулчеҳра ЎТАМУРДОВА, Чингиз ОЧИЛОВ. Ўқитувчи камолотида шарқ мутафаккирлари қарашларининг ўрни.....91

Насиба ЖУМАНОВА. Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришда мулоқотнинг ўрни.....93

Ботир БОЙМЕТОВ, Ўғилой ХУДОЙНАЗАРОВА. Рангтаъсвирда портрет тасвирининг методик асослари.....95

Ойқарам БАЙМУРЗАЕВА. Санъат ва ижтимоий ҳаёт.....98

Ақбар СОДИҚОВ. Юқори синф ўқувчиларида тезкорлик қобилиятини ривожлантириш услублари.....100

Нурмахан АБДУКАРИМОВ. Глобаллашув даврида ёшлар тарбияси.....102

РУҲИЯТ ОЛАМИ

- Гулноза ҚАРШИБОЕВА.** Суицид ҳолатларнинг келиб чиқишида руҳий зўриқишнинг олдини олиш омиллари.....104
- Шоҳида АБДУЛАҲАДОВА.** Бадиий талқинда психологик таҳлилнинг ўрни.....107

ИЛМ-ФАН ВА ТЕХНИКА

- Муҳаммад РУСТАМОВ.** Математика тушунчалари ва хоссаларини асослаш усули.....110
- Муаттархон АКБАРОВА.** "Кимё" курсининг ўзига хос жиҳатлари112

МОЗИЙ САДОЛАРИ

- Мухторқул ПАРДАЕВ, Шерзод ПАРДАЕВ.** Ривожланган ўрта асрларда Жиззах воҳаси Буюк ипак йўли тизимида.....114

ГЕОГРАФИЯ ВА ТУРИЗМ

- Қўчқор ҲАКИМОВ.** Топонимик ландшафт - топонимиканинг ўрганиш объекти сифатида.....117
- Муҳаббат КАЮМОВА.** Мирзачўл райони сув ресурсларидан фойдаланиш муаммолари.....119

ТАБИАТ ВА ОЛАМ

- Хуршида ПАРДАЕВА.** Ташналиқда гипоталамус ва сенсомотор пўстлоқнинг хулқ-атворга таъсири.....121

ЖАВОНДАГИ ХАЗИНА

- Фарҳод НОРБЕКОВ, Раъно НОРБЕКОВА.** Конан Дойл асарларида бадиий тўқима ва талқин....123

ЁШ ТАДҚИҚОТЧИЛАР

- Лутфулла СИНДОРОВ.** "Ҳибатул ҳақойиқ" асаридаги айрим лексемалар семантикаси.....125
- Умидахон НОСИРОВА.** Шеъринг матнда лексик бирликлар ифодаси.....127
- Олима ХОЛМУРОДОВА.** Ўзбек ва инглиз халқ эртакларининг тузилиш хусусиятлари.....130
- Азизбек МУҲАМЕДОВ.** XX асрнинг 70 йилларида ўзбек таржима назарияси.....133
- Дилноза БОЙМАТОВА.** Киритма қатнашган гапларнинг прагмасемантик табиати.....135
- Моҳира ИСЛОМОВА.** Рамз ва мажознинг миллий ва умуминсоний хусусиятлари.....138
- Соҳиба ШОДИЕВА.** Самарқанд жадидларининг педагогик мероси139
- Қосимбек РАЗЗОҚОВ.** Тасаввуф таълимотида олам ва борлиқ масалалари талқини.....141
- Жасур ШОДИЕВ.** Жамоатчилик фикрини бошқаришнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили.....143
- Нафиса МАМАРАҲИМОВА.** Оғзаки нутқни ўстиришда бадиий адабиётнинг ўрни.....146
- Дилшод ҲАЙДАРОВ.** Дизайнерлик маҳоратини шакллантириш асослари.....149
- Феруз РАХМОНКУЛОВ, Умида МАМАТҚУЛОВА.** Лаборатория машғулотида тадрижий топшириқлардан фойдаланиш.....151
- Хайитгул МУЗАФФАРОВА, Мафтуна НОРМАТОВА.** Болаларда нутқ бузилишлари ва уларга коррекцион ёндошиш усуллари.....153
- Наргиза ОЧИЛОВА.** Таълимда ахборот тушунчаларини шакллантириш асослари.....155
- Фозил ИРМАТОВ.** Талабаларнинг ўзлаштириш даражаларини замонавий технологиялар орқали ошириш.....157
- ДИЁР ТУРСУНОВ.** Гоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш таҳлили.....160
- Мавлон БЕКМИРЗАЕВ.** Инновацион педагогик фаолиятни аниқлаш йўли.....162
- Фазилат ИБРАГИМОВА, Танзила СУЛАЙМОНОВА.** Ёшларда бузғунчи гояларга қарши иммунитетни шакллантириш масалалари.....164
- Алишер ОЛИМОВ.** Жисмоний маданият назарияси ва методикаси фанини ўзлаштириш кўрсаткичлари.....168

"КИМЁ" КУРСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Муаттархон АКБАРОВА - ўқитувчи,
Ўзбекистон Миллий университети

АННОТАЦИЯ: Ушбу мақолада "Кимё" фанини ўқитиш жараёнида атом тузилиш назариясининг замонавий талқин этиш, Д.И.Менделеевнинг даврий қонуни ва элементларнинг даврий системаси, элементларнинг электрон формулалари, табиатда учрайдиган моддалар асосида янги бирикмаларнинг олиниш усуллари, физик-кимёвий хоссалари, халқ хўжалиги учун аҳамияти, атмосферанинг экологик вазияти ва унинг кимё саноати билан узвий боғлиқлиги ҳақидаги дастлабки билимларнинг ўзлаштирилиши ҳақида фикр юритилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: дидактик, модернизация, цивилизация, гипотеза, халқ хўжалиги.

ОСОБЕННОСТИ КУРСА ХИМИИ

АННОТАЦИЯ: В данной статье дана современная трактовка атомной теории в курсе преподавания химии, периодического закона Д.И.Менделеева и периодической системы элементов, электронных формул элементов, методов получения новых соединений на основе веществ природного происхождения, их физико-химических свойств, значимости атмосферы. Предполагается, что овладение первыми знаниями об экологической ситуации и ее связи с химической промышленностью.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА: дидактика, модернизация, цивилизация, гипотеза, национальная экономика.

FEATURES OF THE COURSE OF CHEMISTRY

ABSTRACT: This article gives a modern interpretation of atomic theory in the course of teaching chemistry, periodic law of D.I.Mendeleeva and the periodic system of elements, electronic formulas of elements, methods of obtaining new compounds based on substances of natural origin, their physical and chemical properties, the significance of the atmosphere. It is assumed that the mastery of the first knowledge of the environmental situation and its relationship with the chemical industry.

KEYWORDS: didactics, modernization, civilization, hipotics, national ecological.

Кимё фани атрофимиздаги оламни, табиатни ўрганувчи фанларнинг биридир. Бутун олам, бутун борлиқ материядан иборат. Уни маълум қонунлар асосида ўрганиш ва ундан инсоният манфаати учун фойдаланиш фаннинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ҳозирги даврда атроф муҳитни муҳофаза қилиш инсоният олдида турган муҳим масалалардан бири бўлиб қолди. Сув ва ҳавонинг тозаллигини назорат қилиш, чиқиндисиз технология яратиш ва ҳоказо масалаларни ҳал қилишда кимё фаннинг аҳамияти катта [1].

Олий ўқув юртларида кимё фанини ўқитиш йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Ҳозирги кунда халқ хўжалигининг бирор соҳаси йўқки, кимё билан боғлиқ бўлмаган. Оламнинг умумий илмий манзарасини яратишда кимёнинг салмоқли ўрни борлиги сир эмас. Моддий оламнинг барча компонентлари 118 турдаги кимёвий элементларнинг ва уларнинг оддий моддалар тарзидаги 500 дан ортиқ аллотропик шакл ўзгаришлари, 500 минг турдаги аорганик моддалар ҳамда 18 млн дан зиёд органик бирикмалардан ташкил топади. Уларни ўрганишда кимёга табиий-илмий рукндаги барча фанлар ҳамкорлик қилади. Масалан, геология, биология, минералогия, биокимё, геокимё, физика ва ҳ.к.

Маълумки, оламнинг илмий манзараси хусусий, соҳавий ва умумий каби учта даражада шакллантирилади. Дунёнинг умумий илмий манзарасини яратишда барча фанлар иштирок этади. Барча нокимёвий таълим йўналиш мутахассислари учун

"Кимё" курсини ўқитиш кўзда тутилган. Бу курснинг мақсади-илмий дунёқарашни шакллантириш билан биргаликда моддий дунёнинг моҳиятини ташкил этадиган кимёвий унсурлар ҳамда улар иштирокидаги жараёнларни ўргатишдан иборатдир. Шу сабабли бўлажак геолог, географ, физик, тупроқшунос, биолог кадрлар кимё фанидан зарурий ва салмоқли билимларга эга бўлишлари лозим.

Заррадан то коинот қадар, ядро реакторидан тортиб космик жисмларгача, тоғ жинслари ва тупроқдан тортиб дунё сув ҳавзасигача, микроорганизмлар ва ўсимликлардан тортиб ҳайвонот оламининг вакиллари ва тирикликнинг гултожи бўлмиш инсонгача кимёвий ҳодиса ва жараёнлар қуршовидадир. Ғолаверса, кимё озик-овқат, энергия таъминоти ва соғлиқни сақлаш каби умумбашарий муаммоларнинг ижобий ечимига ҳам салмоқли ҳисса қўшади.

Мақсадимиз "Кимё" курсининг дидактик мазмунини бакалаврият таълим йўналишларининг касбий жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда модернизациялаш лозим бўлади. Америкалик машҳур биокимёгар олим, икки карра Нобель мукофотининг лауреати (1954 йил-кимё бўйича; 1962 йил-Нобель тинчлик мукофоти) Лайнус Полинг (1901-1996 й.й.) "Кимёгарлар шундай кишиларки, улар дунёнинг тузилишини асл ҳолида тушунадилар", деган эди [2]. Шу аснода атом ва элементар заррачалар, молекула ва кимёвий боғланиш, электрolitik диссоциланиш назарияси ва даврий қонун, оддий ва мураккаб моддалар ҳамда анор-

ганик ва органик бирикмалар ва уларнинг ўзгаришлари каби кўпгина материаллар атрофлича ўргатилиши лозим. Бунинг учун эса амалдаги давлат таълим стандартлари, ўқув дастури ва дарсликлар ҳамда тегишли ўқув адабиётларига маълум ўзгаришлар киритилиши кўзда тутилади.

"Кимё" курсини бўлажак биологлар учун ўқитишда организмларнинг кимёвий тузилмаси, биоген элементлар, муҳим биологик аҳамиятли бирикмалар (оқсиллар, углеводлар, липидлар, нуклеин кислоталар, аминокислоталар, витаминлар, гормонлар, қон ва бошқа биологик суюқликлар) таркибига кирувчи кимёвий элементлар ва уларнинг бирикмалари ҳақида кўпроқ маълумот бериш лозим. Эритмаларнинг ҳаёт учун муҳим суюқлик эканлиги ва уларнинг биологик аҳамиятига урғу бериш лозим. Сувнинг универсал эритувчи сифатидаги ҳаётлий роли ҳақида алоҳида ахборот берилиши ҳам мақсадга мувофиқдир [3].

Модда ва энергия алмашуви, ўсиш, ривожланиш, кўпайиш, биологик синтез, ассимиляция ва диссимляция, нафас олиш ва чиқариш каби жараёнларда кимёвий реакцияларнинг барча тип ва турлари содир бўлади. Гидролиз ва гидрогениланиш, оксидланиш ва қайтарилиш, электролитик диссоциланиш ва эриш, кристалланиш ва суюқланиш, полимерланиш ва деструкцияланиш каби кўпгина жараёнлар ҳаёт машинасини ҳаракатга келтиришда фаол қатнашадилар. Жонли ва жонсиз табиат ўртасидаги диалектик муносабатлар ўзининг кимёвий мазмунига эга эканлиги курсни ўқитишда диққат марказида турмоғи керак.

Бўлажак географ ёки геологлар учун ўқиладиган "Кимё" курсида Ернинг кимёвий таркиби ва тузилиши ҳақидаги маълумотлар омикталаштирилиши зарур, албатта. Сув ва кимёвий элементлар ҳамда улар бирикмаларининг табиатдаги миграцияси кенгрок ўқитилиши керак. Юқорида баён этилган дидактик мақсад ва вазифаларни амалга

ошириш, энг аввало, фан ўқитувчиларига катта масъулият юклайди. Бу борада педагогик жараёнларнинг сифат ва самарадорлиги таълим ва тарбия берувчиларнинг касбий салоҳияти, билим ва маҳорати ҳамда ташаббускорлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

"Кимё" курси умумтаълим ўқув предмети сифатида бўлажак физикларга ҳам беназир хизмат этиши аниқ. Чунки табиат ва умуман моддий борлиқ бизнинг измимиздан ташқари ҳолдаги объектив кимёвий ҳодисалардан иборатдир. Шу ўринда Нобель мукофотининг лауреати, америкалик физик Р.Фейнманнинг машҳур иборасини эслаш ўринлидир: "Агарки, қандайдир дунёвий офат рўй бериб цивилизациянинг барча ютуқлари йўқолиб кетса ва яна бошқадан тирик дунё тикланса, олдинги цивилизациядан қайси ихчам ибора авлодларга энг кўп ахборот берарди ? Бу-атом гипотезасидир". Атом орқали ион ва радикаллар, молекулалар ва макромолекулалар ҳамда мегамолекулаларга, улардан кейин биокомплексларга, кейин эса организмларга ва анорганик оламнинг турфа вакилларига ўтилади [4].

Хулоса қилиб шуни айтадиган бўлсак, "Кимё" фанини ўқитиш жараёнида атом тузилиш назариясининг замонавий талқин этиш, Д.И.Менделеевнинг даврий қонуни ва элементларнинг даврий системаси, элементларнинг электрон формулалари, табиатда учрайдиган моддалар асосида янги бирикмаларнинг олиниш усуллари, физик-кимёвий хоссалари, халқ хўжалиги учун аҳамияти, атмосферанинг экологик вазияти ва унинг кимё саноати билан узвий боғлиқлиги ҳақидаги дастлабки билимларнинг ўзлаштирилиши кўзда тутилади. Кимёнинг ривожланиш тарихи, илмий ва амалий ютуқлари, келажакда ҳал қилиниши лозим бўлган назарий ва амалий асосларига ҳам жиддий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. М.Т.Акбарова, С.Э.Нурмонов Кимё (ўқув қўлланма) Тошкент-2017.-5 б.
2. Пак М.С. Дидактика химии.-Москва:Владос, 2004г.-125-с.
3. Н.А.Парпиев, Ҳ.Р.Раҳимов, А.Г.Муфтахов, Анорганик кимёнинг назарий асослари, Тошкент, 2000. -264 б.
4. www.xumuk.ru/ Сайт о химии для химиков.

Инновацион ғоялар ва янги технологияларни тиббиёт соҳасига олиб кириш, улардан халқ саломатлигини сақлаш йўлида фойдаланиш муҳимдир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ